ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚОНЛИКЎЛ ТУМАНИ КЕНГАШИ

Қ А Р О Р И

№ 111/37-05 «18» январ 2018 йил

Қонликўл тумани маҳаллий бюджетининг 2018-йилги бюджет асосий параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 29-декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңгесининг 2017 йил 30 декабрь кунги 161/XIX-сон қарорларига ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Низомининг 11 моддасига мувофиқ, Халқ депутатлари Қонликўл тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кеңесининг 2017 йил 30 декабрь кунги 161/XIX-сон қарорлари бажариш учун раҳбарликка олинсин.

2. Қонликўл туманининг маҳаллий бюджетининг 2018 йилги асосий параметрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қонликўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Абдразаков, туман давлат солиқ инспекцияси (Т.Туреев), туман молия бўлими (У.Давлетов) билан биргаликда туманнинг маҳаллий бюджет даромадлар кўрсаткичларини солиқ турлари бўйича белгиланган режаларини ошириб бажарилишини таъминласин.

4. Тумáн молия бўлими (У.Давлетов) 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бюджет харажатларининг қисқартирилиши натижасида пайдо бўлган қўшимча харажатлар манбаи ҳисобидан туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;

туманнинг маҳаллий бюджетининг чораклар бўйича бўлинишига тасдиққлаш ҳуқуқи берилсин ва йилнинг ҳар чораги бўйича мўлжаллаб қўйилган макроиқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши ва маҳаллий бюджет бажарилиши натижалари асосида маҳаллий бюджетнинг кўрсаткичларига заруратга қараб аниқлиқ киритиб бориш;

халқ депутатлари туман Кенгашига маҳаллий бюджетнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни билан маълумот бериб бориш топширилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишин назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясига (С.Садыков) юклатилсин.

6. Ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Таржимасининг тўғрилигини тасдиқлайман.

Халқ депутатлари Қонликўл тумани

Кенгаши раисининг ўринбосари **К.Пирназаров**

KOSHIRME
DURIS